



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Виждон
гувоҳ
талаб
қилмайдиган
суддир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 1-dekabr, seshanba, 138 (23.418)-son

Учрашу

Ёшларнинг ҳокимга гапи бор

Эркинжон Турдимовнинг ёшлар билан навбатдаги учрашуви Пахтачи тумани Сардоба маҳалласида бўлиб ўтди.

Тадбирда пахтачилик ёшларнинг 50 га яқин мурожаат ва таклифлари тингланди.

– Укам кўз касаллигидан кийнаиб келади, – дейди тумanning Қувондиқ маҳалласида яшовчи Севара Сахатова. – Уни даволатишга имкониятимиз йўқ. Учрашувда укамнинг кўзини операция қилиш юзасидан ёрдан сўрадим. Вилоят ҳокими ушбу масалани назоратга олиб, бизга кўмаклашадиган бўлди.


– Мактабда чизмачилик фанидан дарс берсам-да математика ва инглиз тилига

қизиқаман, – дейди Маъмура Бахронова. – Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, математика, ментал арифметика, инглиз тили ва бошқа фанларни чуқурроқ ўрганишларига шароит яратиш мақсадида ўқув маркази ташкил этилди. Вилоят ҳокимига жой масаласида мурожаат қилган эдим, шу куннинг ўзида ҳал этилди.

Ҳар бир масаланинг белгиланган муддатда ечимини топиш бўйича масъулларга топшириқ берилди.

Учрашувдан сўнг вилоят ҳокими Э.Турдимов Кўрпа маҳалласида ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида бунёд этилган иссиқхоналарни кўздан кечирди.

Тўлқин СИДИҚОВ.



Ургутда ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиги ташкил этилади

Бу Президентимизнинг 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланди.

Қайд этилишича, ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва вилоят ҳокимлигининг бу ҳақдаги таклифларига розилик берилган.

Мазкур қарор билан ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази” давлат муассасаси ташкил этилди.

Вилоят прокурори қабулида

тергов ва суриштирув билан боғлиқ 11 мурожаат тушди



Вилоят прокурори Р.Машарипов фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари учун қабул ўтказди.

Қабул давомида 6 нафар шахснинг мурожаати бўйича қонуний тушунтириш берилиб, 26 та мурожаат қўриб чиқиш учун вилоят прокуратураси иш юритувига қабул қилинди. Бу мурожаатларнинг 3 таси уй-жой ва моддий ёрдан, 11 таси тергов ва суриштирув, 12 таси эса суд қарорлари ва ижроси масаласида бўлди.

Жумладан, М.Раҳимова ва бошқаларнинг мурожаати жойда қаноатлантирилди. Яъни, Самарқанд вилояти ИИБ томонидан Ш.Алимжоновга нисбатан ўзгалар ишончига кириб, уларнинг мол-мулкни қўлга киритганлик ҳолати бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан олиб борилаётган қўшимча тергов ҳаракатлари вилоят ИИБ тергов бўлимидан вилоят прокуратурасининг ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлимига ўтказилди.

Паст Дарғом туманида 100 мегаватт-ли куёш фотоэлектр станцияси қурилади ва вилоятнинг электр таъминотида узилди бўлмади.

Кун мавзуси

Муқобил энергия:

Куёш ёки шамолдан қачон фойдаланамиз?

Хонадонлар, идора-ташкilotлар, ишлаб чиқариш корхоналарида электр энергиясидаги асаббузарликлар фониди бу хабар барчамизни янги орзулар сари етаклаганди. Аммо ўша орзулар ҳамон орзулигича қолмоқда. Хўш, бир неча йил олдин катта ташаббус билан бошланган бу лойиҳа нега ҳамон амалга оширилмапти? Бунинг

сабаблари нимада? Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Тўраҳон ҲОШИМОВ билан суҳбатимиз вилоятимизда муқобил энергия турларидан фойдаланиш имконияти ва бу борадаги муаммолар хусусида бўлди.

2-саҳифа >>>

Коллеж ва техникумларда имтиҳонлар якунланди

Давлат комиссиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги баёнига мувофиқ, вилоятдаги 13 та коллеж ва 8 та техникумда тест синовлари ўтказилди.

Абитуриентлар тест синовлари ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда абитуриентларнинг телефон рақамлари орқали 10 кун олдин хабардор қилинди.

Саралаш тест синовлари жорий йилнинг 23-28 ноябрь кунлари Самарқанд, Каттакўрғон шаҳарларида, Булунғур, Иштихон, Нуробод, Пахтачи ва Қўшрабат туманларида бўлиб ўтди.

Коллеж ва техникумларга ҳужжат топширган 17524 нафар абитуриентдан тест синовларида 13950 нафари (79,6 фоизи) иштирок этди.

Шунингдек, Каттакўрғон сервис, Нарпай хизмат кўрсатиш, Самарқанд архитектура-қурилиш, Жомбой агротехнологиялар, Жомбой рақамли технологиялар техникумлари ва Самарқанд қурилиш коллежиди абитуриентлар ёзма имтиҳон топширди.

Ёзма имтиҳон она тили ва адабиёти фани ҳамда касб ва мутахассисликка мос келувчи фанлар мажмуасидан ўтказилди. Коллеж ва техникумларга ҳужжат топширган 4283 нафар абитуриентдан ёзма имтиҳонларда 2723 нафари (63,6 фоизи) иштирок этди.

Саралаш тест синовлари топширган абитуриентлар technikum.dtm.uz сайти орқали ўзлари тўплаган балларини билиш имконига эга.

Отажон НОРОВ,
вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

ОҚДАРЁДА замонавий бозор қуриладими?

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда Оқдарё тумани Лойиш бозорчасида антисанитария ҳолатида, лой ва балчиқ ҳудудда савдо қилинаётгани акс этган суратлар тарқалди.



Хўш, аслида нима бўлганди? Туман марказидаги савдо комплексида тадбиркорлар учун шароит яратилмагани, улар шундай жойда савдо қилишга мажбур бўлмоқдими?

Биз ижодий гуруҳимиз билан воқеа жойида бўлдик.

– Ижтимоий тармоқларда тарқалган ва Лойиш савдо комплексида тегишли ҳудуд дейилаётган жой аслида туман ҳокимлиги захирасидаги майдон ҳисобланади, – дейди туман ҳокими Н.Сулаймонов. – Тарқатилган суратларда савдо қилаётган кишилар ҳам қонуний тадбиркорлар эмас. Савдо комплекси ҳудудида тижорат билан шугулланиш учун барча шароит яратилган. Жумладан, бугун комплексдаги 170 та дўкандан 100 таси фаолият кўрсатяпти. Қолган дўкандан фойдаланилмапти.

Очиқ майдон масаласига келадиган бўлсак, бу жойда замонавий экобозор ташкил қилиш режалаштирилган. Ижтимоий тармоқларда шу пайтгача нега қурилмаган, деган мазмунда саволлар пайдо бўлди. Қайд этиш лозимки, бунинг кунгача савдо комплексининг 700 миллион сўм кредит қарздорлиги мавжуд эди. Ҳозирда бу қарздорлик бартараф этилди.

Янги лойиҳа учун 10 миллиард сўм миқдорда маблағ олишга ҳужжат тайёрланмоқда. Шу билан бирга майдонни текислаш, бошқа зарур юмушлар амалга ошириляпти.

Туман ҳокимининг қайд этишича, чиндан ҳам Лойиш шаҳарчасидаги савдо комплекси бир қанча вақтдан буён ижтимоий тармоқларда, матбуотда танқид остига олинмоқда. Ваҳоланки, бу борада янги бозор ташкил қилиш

режалаштирилган, бунинг учун 5 гектар ер майдони ажратилган. Аммо бу қарор жамоатчиликнинг норозилиги ортидан бекор қилинган. Яъни, бозор туман марказидан четга чиқарилмайдиган бўлган.

Шу ўринда табиий савол туғилди. Ижтимоий тармоқларда тарқатилган, аниқроғи кечаси ташкил қилинаётган ноқонуний савдоларга нима учун ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ идораси муносабат билдирмапти? Ҳудуд айнан туман ИИБ бошлигининг секторда жойлашган бўлса?! Қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат қилувчи прокуратура органлари нега жим?

Ахир яқиндагина шу бозорда қайд этилган ёнғинга ҳам айнан мавжуд тартибга, аниқроғи, ёнғин хавфсизлигига риоя этилмагани сабаб бўлганди-ку. Бундан ташқари, дўкандорлар савдо нуқтаси ўз вақтида сўғурта қилдириб қўймаганлиги учун энди фалокат оқибатларини бартараф этиш учун ҳокимлик оstonасида сарсон бўлмоқда. Агарда қоидага риоя қилинганда, бунга ўрин қолмаслиги тайин эди.

Кеча ижтимоий тармоқларда тарқалган суратлар ҳам айнан ўз билганидан қолмаслик оқибати. Яъни, савдо қилиямиз, шароит йўқ, дегувчилар, нима учун бўш турган дўкандорлар ижара асосида бўлса-да тижорат ишлари билан шугулланиш ҳақида ўйлаб кўрмайди?

Бизнингча, ҳар бир ташкилот ва ҳар ким ўз ишини бажарса, қонун доирасида йўл тутса турли кўнгилсизликларга, муаммоларга ўрин қолмайди.

Ёқубжон МАРҚАЕВ.
Ҳусан ЭЛТОЕВ.



Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасидан.

Каттакўрғон туманида фаолият кўрсатаётган “Фирдавс қандолат инвест” масъулияти чекланган жамиятида 6 хил пиширик ва қандолат маҳсулотлари, импорт ўрнини босувчи ошхона ва ресторан учун ошхона жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.

– Дастлаб фаолиятимизни пиширик пиширишдан бошлаганмиз, – дейди жамият иш бошқарувчиси Абдували Эгамбердиев. – Кейинчалик 10 турдаги зангаламас металлдан қондиртерлик столлари ҳамда турли хил газ ва электр печларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни пайтда корхонамиз цехларида 30 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Бугунги кунгача 1 миллиард сўмлик ошхона жиҳозлари ишлаб чиқаришга эришдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз ички бозорда сотилмоқда.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.



Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид хабар ва янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ҳақидаги таҳлилий-танқидий мақолалардан биринчилар қаторида воқиф бўлишни истасангиз “Зарафшон”га обуна бўлинг!

Обунани матбуот тарқатувчи ташкилотлар ҳамда таҳририятнинг ўзида расмийлаштиришингиз мумкин.

«Zarafshon» – барчамизнинг сеvimли газетамиз!

ОБУНА – 2021

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: **5502**

БУГУННИНГ ГАПИ

Муқобил энергия: Қуёш ёки шамолдан қачон фойдаланамиз?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Хақиқатда аҳоли ва саноат корхоналарининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш учун 100 мегаваттлик қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши режалаштирилганди, - дейди Т.Ҳошимов. Қўймати 500 миллион доллар бўлган лойиҳани амалга ошириш учун Паст Дарғом ва Нуробод туманларидан 400 гектар майдон ҳам ажратилган. Режага кўра, лойиҳани амалга ошириш учун "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти 200 миллион доллар маблағ ажратиши ва 300 миллион доллар миқдорда қўриқли сармоя жалб этилиши лозим эди. Ҳозиргача ушбу лойиҳага мамлакатимиз томонидан 6,5 миллиард сўм маблағ ажратилди ва ушбу маблағ ҳисобидан коммуникация тармоқлари ва йўللари асфальтлаш ишлари олиб борилди. Фотоэлектр станциясида Хитой давлати технологиялари ўрнатилиши лозим эди. Афсуски, улар тақдим этган қурилмалар мос келмаганлиги туфайли бу станцияга технология этикази бериш учун яна халқаро танлов эълон қилинди.

Бундан ташқари, жорий йилда Каттақўрғон туманида янги лойиҳа асосида 200 мегаваттлик замонавий қуёш фотоэлектр станцияси қуриш учун лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Вилоятимизда муқобил энергиядан фойдаланиш самарадорлиги неча паст?

Дунёда муқобил энергиядан фойдаланиш даражаси жуда юқори туради. Масалан, Хитойда бугунги кунда 150 миллион аҳоли фақат қуёш фотоэлектр станцияси орқали электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришмоқда. Шунингдек, Германия, Португалия, Нидерландия, Швеция, Корея давлатлари муқобил энергия ишлаб чиқариш бўйича энг илғор давлатлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда йил давомида 280-300 кундан ортиқ қуёшли кунлар бўлади. Бу эса республикамизда аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлалигича қуёш фотоэлектр станцияларидан олинган электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Унда нега бизда муқобил энергиядан фойдаланиш самарадорлиги паст, деган савол туғилиши табиий. Бизда қуёшдан электр олиш технологияси йўқ, десак ҳам бўлади. Айрим ҳудудларда қуёш панеллари ишлаб чиқарилмоқда, лекин бунинг ўзи қуёшдан электр олиш учун етарли эмас. Соҳа ривожига муаммолардан бири қуёш фотостанциясига ўрнатилмаган жиҳозлар ниҳоятда қimmatлигида. Қолаверса, жиҳозларнинг Корея ва Хитой давлатларидан импорт ҳисобига келтирилиши бу технологияни ривожлантиришдаги асосий тўсиқлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда вилоятимизда аҳоли уй-жойлари, таълим ва тиббиёт муассасаларида мингдан ортиқ кичик қуёш электр станцияси ишлаб турибди. Бошқармамитомонидан вилоятимиздаги ижтимоий соҳа объектларида ҳозиргача 18 та кичик қуёш станциялари ўрнатилди. Шунингдек, вилоятимизда муқобил энергия ишлаб чиқарувчи кичик ГЭСлар ишлаб турибди. Мисол учун, "Самарқанд Каскад" ГЭС



Сиди 50 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқариларди. Бу йил қўшимча 1 миллион киловаттлик 5 та кичик электр станцияси ишга туширилди. Кейинчалик яна 4 та кичик гидростанция қуриш режалаштирилган.

Дунё давлатларида шамол ёрдамида электр энергияси олиш тажрибаси ҳам ривожланиб бормоқда. Бизда эса муқобил энергиянинг бу тури ҳамон оқсамоқда. Бизда шамол етарли даражада эмасми ёки бу соҳада ҳам технология муаммоси борми?

Дунёдаги катта ҳажмдаги ер ости ва ер усти бойликларига эга санокли давлатлардан биримиз. Аммо бугун беминнат

хисобланган ҳар қандай ресурсларнинг чега-раси бор. Табиий ресурсларнинг муқобил варианты ҳақида уларнинг охири кўриниб қолганда қайғуриш самарасиз. Шунинг учун бу ҳақда ҳозир қайғуриш керак. Шамол ёрдамида электр олиш ҳам шулар жумласига киради.

Булунғур, Ургут, Нуробод, Пайарик туманларидаги асосий шамол йўлларида ер сатҳидан 70 метр баландликда шамол электр станцияларини қуриш мумкин. Бу масала республикада электр энергияси танқислигининг олдини олишда муҳим. Шунингдек, шамол электр станциялари углероддорларни ёқиш ҳисобига олинаётган электр энергиясининг ўрнини қоллашнинг асосий манбаси ҳисобланади. Бундай станциялар Нидерландия ва Германияда яхши ривожланган. Керакли жиҳозларни ҳам шу давлатлардан келтириш мумкин. Бизда ҳам шамол ёрдамида электр энергияси олиш бўйича барча имкониятлар бор. Аммо ҳозирча бу имкониятдан деярли фойдаланмаёмиз.

Муқобил энергиядан фойдаланган истеъмолчи бирор афзалликка эга бўладими?

Албатта, муқобил энергиядан фойдаланиш ҳар қандай истеъмолчига бир қатор имтиёз ва қулайлик яратади. Биринчидан, бу энергия туридан фойдаланганлик учун ҳеч қандай солиқ тўловлари мавжуд эмас. Иккинчидан, электр энергиясида узиллишлар қузатилмайди ва бир меъёрдаги доимий электр таъминотига эга бўлади. Учинчидан, инсонлар соғлиғига таъсир этувчи омиллардан холи бўлган экологик тоза энергия билан таъминланади.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ сўхбатлашди.



3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ногиронлиги бўлган ҳар бир шахсга реабилитациянинг яққа тартибдаги дастури тузилади. Ушбу дастур ногиронлиги бўлган шахсларнинг организм функцияси бузилиш тури ва ҳаёт фаолиятининг чекланиши даражасига қараб амалга оширилади. Ушбу дастурда тиббий, касбий ва ижтимоий тавсиялар индивидуал таллаб бериларди. Уни амалга оширувчи ташиқлотлар бу - даволаш профилактика муассасалари, реабилитация, бандликка қўмаклашиш марказлари ва бошқа корхона, муассасалар, ташиқлотлар ҳисобланади.

Улар ишлаши мумкин

390 НАФАР ШАХС НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Ўтказилган реабилитация чора-тадбирлари натижасида вилоятда шу йилнинг 10 ойида 370 ҳолатда ногирон бўлган шахс қисман реабилитация қилинди, 306 ҳолатда соғлиғи тўлиқ тикланишига эришилди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, жамоага коммуникатив мослашуви такомиллаштирилиши ҳам дастурга киритилди.

фар ногиронлиги бўлган шахс даволаниб чиқди, улардан 20 нафарининг соғлиғи қисман, 11 нафариники тўлиқ тикланди.

390 нафар шахс ногиронлар арава-часи билан таъминланди. 642 кишига реабилитация техник воситалари, 294 нафарига эса протез-ортопедия махсулотлари берилди.

МЕХНАТ ШАРОИТИ ЯРАТИЛДИ

Меҳнат фаолияти билан шўғулланиш лаёқати биринчи, иккинчи дара-

вақти режими, йиллик ҳамда қўшимча таътилларнинг муддати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳолини ёмонлаштирмаслиги ёки ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ногиронлиги бўлган шахс билан, соғлиғидаги нуқсонни туфайли меҳнат шартномаси тузилиши ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтариши рад этишга, у билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронлиги бўлган шахсни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг соғлиғи касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиғи ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногиронлиги бўлган шахс ўз меҳнат қобилиятини тиклагандан сўнг, илгариги ишига ёки бошқа ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

ТМЭК томонидан кўриқдан ўтказилиб, ногиронлик гуруҳи белгиланган ва меҳнат билан шўғулланиш лаёқати бузилишининг биринчи, иккинчи даражаси бўлган ҳар бир фуқаро ўз ҳудудий ТМЭК томонидан ҳудудий бандликка қўмаклашиш марказига йўналтирилади. Бандликка қўмаклашиш марказлари ходимлари ТМЭК хулосасига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлган ногиронлиги бўлган шахсларга бўш турган касб учун меҳнат қобилияти, соғлиғи, билим ва малака даражасидан келиб чиққан ҳолда маълум бир касбни таллаб олиш тушунтирилади ва ҳар томонлама бандлигини таъминлаш чораларини кўради.

Наргиза БАКИЕВА, вилоят 54-сон бош тиббий меҳнат эксперт комиссияси эксперт-неврологи.

Бундан ташқари, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси, (ТМЭК) томонидан соғайиш потенциали бўлган ногиронлар ҳудудий ва миллий реабилитация марказларига стационер даволаниш учун ордерлар билан таъминланади. Шу йилнинг ўн ойида ҳудудий ва миллий реабилитация марказларида вилоят бўйича 318 на-

жада бузилган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолатда ногиронлиги бўлган шахсларга тегишли тартибда зарур шароит яратилади.

Жамоа ёки яққа тартибдаги меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат шароитлари, шу жумладан меҳнат-га ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш

Бу - факт!

2020 йил 1 ноябрь ҳолатига вилоятимизда қурилиш соҳасида корхона ва ташиқлотлар сони 3 мингтани ташкил этиб, ўтган 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 278 тага ошди.

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.

Таҳлил, таққос

Банк карточкалари орқали ҳисоб-ки-тобларни ривожлантириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари терминал ўрнатмасдан фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Терминал орқали тўловни қабул қилишни рад этганлик учун 5 миллион сўм жарима солиниши белгиланган. Аммо вилоятимизда терминалдан фойдаланиш талабларига барча тадбиркорлар бирдек амал қилмаяпти. Бу эса банкдан ташқари нақд пул айланмасининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Қайси туманларда терминал орқали

САВДО ТУШУМИ КАМ?

Биргина октябрь ойини таҳлил қилганда вилоятда терминал орқали савдо ва пуллик хизматлардан ялли тушум ҳажмида 28,9 фоизни ташкил этган. Бу республика бўйича ўртача 37,4 фоизлик кўрсаткичдан анча паст бўлиб, ҳудудлар орасида энг паст кўрсаткич ҳисобланади.



Банк карталарига кирим қилинган 825 миллиард сўм миқдоридидаги иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларнинг тенг яри, яъни 50 фоизи банккоматлардан чиқим қилинган. Ўрнатилган терминалларнинг 34 фоизи тадбиркорлик субъектлари томонидан умуман ишлатилмаган.

Ноябрь ойининг 20 кунда эса 890,1 миллиард сўмлик савдо ва пуллик хизматлардан тушумнинг 27,8 фоизи терминаллар орқали келиб тушган. Банк карталаридан кирим қилинган 663 миллиард сўм миқдоридидаги иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларнинг 46 фоизи банккоматлардан чиқим қилинган. Ўрнатилган 32 069 та терминалнинг 10 380 таси ёки 32 фоизи тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлатилмаган.

Фойдаланилмаётган терминалларнинг ўрнатилган терминаллардаги улуши Ургут туманида 1 481 та (46 фоиз), Пайарик туманида 580 та (44 фоиз), Булунғур туманида 462 та (44 фоиз), Нарпай туманида 322 та (43 фоиз)ни ташкил этди.

Савдо ва пуллик хизматлардан тушум таркибида терминаллардан тушган тушум улуши Ургут туманида 21 фоиз, Булунғур туманида 22 фоиз, Самарқанд ва Каттақўрғон туманларида 27 фоиз, Паст Дарғом туманида эса 29 фоиз фоиз бўлиб, бу бошқа ҳудудларга нисбатан паст.

Банк карталаридан нақд чиқим қилинган иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ҳажми Каттақўрғон шаҳри (62 фоиз), Ургут тумани (55 фоиз), Тойлоқ тумани (53 фоиз), Самарқанд шаҳри (51 фоиз)да нисбатан анча юқори.

Банкоматлар орқали банк пластик карталаридаги нақдлаштирилган маблағнинг январь-октябрь ойларида савдо тушумлари орқали банкка қайтиши туманлар кесимида таҳлил қилинганда Нуробод ва Паст Дарғом туманларида нақд пул маблағларининг 26 фоизи банкка қайтган бўлса, Ургут туманида бу борада 25 фоизлик натижа билан энг паст кўрсаткич қайд этилмоқда.

Барча тадбиркорлик субъектлари касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш қодаларига тўла риоя этишса, савдо ва пуллик хизматлардан тушумларининг ҳисоб рақамлари орқали айланишини таъминлашса, бу иқтисодиёт учун ҳам, жамият учун ҳам, қолаверса, корхоналар учун ҳам фойдали бўлади.

Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ахборот хизмати.

ЖОМБОЙ:

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми салкам

1,5 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТДИ

Бугунги кунда туманда 2880 тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.

2019 йил якунида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони 963 тани ташкил этган бўлса, ҳозир 1170 тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан давлат бюджетига 1 миллиард 72,3 миллион сўмлик солиқ тўловлари тўланди. 1134 та янги иш ўрни яратилди.

Тумандаги "Қорамўйин" кичик саноат зонасида 2,6 гектар майдонда 4 та ташаббускор томонидан 8,6 миллиард сўмлик гранулалари омухта ем ишлаб чиқариши, музлаткичи омборхона ташкил этиши, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, болалар кийимлари ва юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ҳозир туманда 308 та саноат корхонаси, 304 та ҳудудий корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 триллион 457 миллиард сўмни ташкил этди. Пандемия даврида



экспорт имкониятларининг чекланганлиги туфайли 9 ойда "JV MAN AUTO UZBEKISTAN", "UZAUTO TRAILER" қўшма корхоналари ҳамда "SAMARQAND JOMBOY-SHAROB" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирган.

Жомбой тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

ХОТИРА УЙФОНСА ГЎЗАЛДИР

Номи ёддан ўчмайдиган инсон



Дўстим Мизроб ана шу фазилатларнинг барчасига эга эди, одамларни, ҳаётни севарди. Унинг бир оғиз сўзи, меҳри-бонлиги беморларда соғайишга бўлган ишончنى уйғотарди.
- Энди ўзим ҳам ота бўлгач, бу қанчалик қийин эканлигини тушунапман, - дейди тўнғич фарзанди Зоҳиржон. - Гўдакни фақат шахсий намуна бўлибгина тўғри тарбиялаш мумкин, дер эди отам. У киши шунга амал қиларди: бирга дарс тайёрларди, жисмоний машқлар бажартирарди, ўзини биз билан тенгдош дўстдек тутар, сирларимизни у кишидан яширмадик. Бағрикенг, дилкаш, боладай беғубор инсон эди.
Мизроб Мақсумов шундай яшадики, унинг ёрқин хотираси маҳалладошлари, шогирдлари, ҳамкасблари қалбида мудом яшамоқда.

ҳамдир. Антон Чехов ёзганидек, шифокорлик касби – бу жасорат, тоза қалб, тоза фикр, ўзгалар ҳаёти учун доимо ўзини қурбон қилишга шайлиқдир.

Зоҳир ҲАСАНЗОДА.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ёзади: «Одамлар ҳам номи эҳтиром ила ёдга олинди бахтдир». Халқ таълими ва тиббиёт соҳалари аълочиси, тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанд давлат тиббиёт институти доценти Мизроб Мақсумов ана шундай инсон эди.

Мизроб Болтаевич 1943 йилда Самарқанд шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. Отаси Мақсуд Дийорий таникли шоир ва шарқшунос олим эди. Онаси Мусаввара Гадоева узоқ йиллар ижтимоий таъминот тизимида ишлаган, «Қахрамон она» унвонига сазовор бўлган. Мизроб ака қўп фарзандли оилада меҳр-оқибатли, сабр-қаноатли, меҳнат-

севар бўлиб улғайди. 6-ўрта мактабни тамомлаб, 1960 йилда меҳнат фаолиятини бошлади. 2509-автобазада ишлаш билан бирга автомактабни ҳам битирди. Орадан икки йил ўтиб, шифокор бўлиш орзуси уни СамДТИга бошлаб келди. Институтни тамомлаб, врачлик дипломини олгач, Каттақўрғон тиббиёт билим юртида дарс бера бошлади.

1971 йилдан СамДТИ 1-клиникаси госпитал терапияси бўлимига мудирлик қилди. 1977 йилда ортирилган билим ва тажрибаларига асосланиб илмий ишга қўл урди. Москвада ҳимоя қилинган номзодлик иши олимлар томонидан юқори баҳоланди.

Катта илмий-назарий ва амалий тажрибага эга Мизроб Мақсумов 1978 йилдан СамДТИ 2-клиникасида терапия ва маслаҳат клиникаси бўлимига раҳбарлик қилди. 1987 йилдан умрининг охиригача СамДТИ кўп тармоқли врачлар тайёрлаш кафедрасида доцент, республика шотилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида бўлим мудури лавозимида фаолият юрит-

ди, ҳамкасблари, шогирдлари, беморлар ўртасида ҳурмат-этибор қозонди.

Мизроб Болтаевич самимий, камтар, ҳозиржавоб инсон сифатида маҳаллада ҳам эзгу ишларда фаол, бош-қош эди. Умр йўлдоши Баҳораоб Муҳаммадиева билан бирга тарбиялаб, вояга етказган беш фарзанди ҳам элга манзур кишилар бўлиб улғайди. Мизроб Мақсумовнинг неваралари Ўзбекистон, АҚШ, Англиянинг нуфузли олий ўқув даргоҳларида таълим олмоқда.

- Шифокорлик энг инсонпарвар касб, - дейди Мизроб Болтаевичнинг болаликдан дўсти, педагогика фанлари доктори, профессор Юсуф Абдуллаев. - Шу билан бирга энг масъулиятлиси

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосан "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилган Самарқанд вилоятида жойлашган қуйидаги жамиятлар бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Жамият номи	Юридик манзили	Устав капитали (млн. сўм)	Жамиятнинг устав фондидаги сотиладиган давлат улуши (фоиз)	Сотиладиган улушнинг нархи (минг сўм)	Савдо санаси	Аризалар беришнинг охириги мuddати
1	"Charos agro uzumlari" МЧЖ	Тойлоқ тумани Қўрғонча МФЙ	285	9,5	53880	14.12.2020 й.	12.12.2020 й.
2	"Kattaq'rg'on maska uzum bog'lari" МЧЖ	Каттақўрғон тумани Кадан қўрғони, Алишер Навоий кўчаси, 1-уй	2 70,0	10,0	13 500,0	14.12.2020 й.	12.12.2020 й.
3	"Сам гипс геострой инжиниринг" МЧЖ	Пахтачи тумани Қарнаб МФЙ	10	100	13251	14.12.2020 й.	12.12.2020 й.
4	"Nova geostroy injiniring" МЧЖ	Иштихон тумани Зарбанд МФЙ	113,4	8,8	10000	30.12.2020 й.	28.12.2020 й.
5	"СамИСИ сайёҳ плус" МЧЖ	Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 9-уй	12,3	51	23943,0	30.12.2020 й.	28.12.2020 й.
6	"Туризм ва реал сектор иқтисодиёти соҳаларида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Самарқанд вилоят маркази" МЧЖ	Самарқанд шаҳри Университет хиббони, 15-уй	16,09	100	30934,7	30.12.2020 й.	28.12.2020 й.

Ушбу жамиятларнинг давлат улушларини "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қoшидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилади. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида қoидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.
Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.
Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:
Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар

"e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос таърирланмайдиган ЛОТ рақами беради.
Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар мулк ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реқвизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.
Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган муддатда тўхтатилади.
Аукцион жараёни:
Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинги аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.
Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куну соат 9:00 да бошланади).
Аукцион қатнашувчиларига дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.
Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга

оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.
Агар тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда қийнланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион қoлиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчиға қoлиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.
Савдолар натижалари бўйича қoлиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агент-

лиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Аукционда иштирок этгандан сўнг қoлиб бўлмаган иштирокчиларға закалат пуллари ни қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамға қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.
Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Самарқанд шаҳри Кўқсарой майдони, 1-"А" уй. Кенгашлар ўйи биноси, 6-қават, 603-хона (хусусийлаштириш бўлими).
Маълумот учун телефонлар: 66-237-71-45, 233-73-54.
Факс: 66-233-73-54.
E-mail: samarqand-gkk@exat.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти кафедраларда танлов мuddати тугаган қуйидаги лавозимларга меҳнат шартномаси асосида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- | | |
|--|---|
| <p>Кафедра мудирлиги лавозимига:</p> <ol style="list-style-type: none"> Архитектуралар лойиҳалаш; Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги; Табий фанлар; Ўзбек тили ва адабиёти. <p>Кафедра доценти лавозимига:</p> <ol style="list-style-type: none"> Қурилиш механикаси ва материаллар қаршилиги - 1 ўрин. <p>Кафедра катта ўқитувчиси лавозимига:</p> <ol style="list-style-type: none"> Архитектуралар лойиҳалаш - 1 ўрин; Тасвирий санъат - 1 ўрин; Муҳандислик графикаси ва компютерда лойиҳалаш - 1 ўрин; Бино ва иншоотлар - 1 ўрин; Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси - 1 ўрин; Қурилиш механикаси ва материаллар қаршилиги - 1 ўрин; Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - 1 ўрин; Геодезия ва картография - 1 ўрин; Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш - 1 ўрин; Табий фанлар - 0,5 ўрин; Касб таълими ва жисмоний тарбия - 0,5 ўрин (Касб таълими); Хорижий тиллар - 1 ўрин (инглиз тили). | <p>Кафедра ўқитувчиси лавозимига:</p> <ol style="list-style-type: none"> Архитектуралар лойиҳалаш - 1 ўрин; Тасвирий санъат - 1 ўрин; Бино ва иншоотлар - 1 ўрин; Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси - 1 ўрин; Қурилиш механикаси ва материаллар қаршилиги - 1 ўрин; Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - 1 ўрин; Геодезия ва картография - 1 ўрин; Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш - 1 ўрин; Табий фанлар - 0,5 ўрин; Касб таълими ва жисмоний тарбия - 0,5 ўрин (Касб таълими); Хорижий тиллар - 1 ўрин (инглиз тили). |
|--|---|

- ДАЪВОЛАР БЎЛСА**
- Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 8 февралда 683952 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAM SUPER TIRE» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «SAM SUPER TIRE» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 30 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетанда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Р.Узоқова кўчаси, 9-уй.
Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306115437. ***
- Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 18 майда 1202405 реестр рақами билан рўйхатга олинган Ашуров Азамат Юнусович яқка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Ашуров А.Ю. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 30 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетанда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 76-«Б»-уй, 16-хонадон.
Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 477481499. ***
- Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 30 июнда 865998

- реестр рақами билан рўйхатга олинган «URAZOVA XOLBUVI» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «URAZOVA XOLBUVI» МЧЖ) жамият таъсисчисининг 2020 йил 30 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетанда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 68-уй.
Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307524964. ***
- Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2016 йил 21 апрелда 13915 реестр рақами билан рўйхатга олинган «AMINA BIZNES SERVIS SAVDO» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «AMINA BIZNES SERVIS SAVDO» XK) корхона таъсисчисининг 2020 йил 30 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетанда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Зафаробод кўчаси, 3-йўлак, 31-«А» уй.
Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 309910036. ***
- Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Донабаев Сафарбой Махмудовичга (2020 йил 19 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола

- Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

- Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Зиётов Абдусамат Кенжаевичга (2020 йил 25 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.

- Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Лиманский Анатолий Ивановичга (2020 йил 4 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

- БЕКОР ҚИЛИНАДИ**
Самарқанд саноат қурилиш касб-хунар коллежидан (ҳозирги Самарқанд архитектура-қурилиш техникуми) 2019 йилда Нематов Нуриддин Раҳматулло ўғли номига берилган рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Донабаев Сафарбой Махмудовичга (2020 йил 19 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола

- инспекциясида 2017 йил 16 августда 1801103916 рақам билан рўйхатга олинган завод рақами 00794575 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш қарточкаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Хомидов Жамшид Фахриддин ўғли номига берилган У № 5340198 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Ургут туман филиалдан 2014 йил 1 июлда Исмолов Шерзод Курбонбоевичга қарашли Ургут шаҳарчаси Дўстлик маҳалласи Почвон кўчасида жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбачаси, дам олиш ва маъмурий бинолар (2 қаватли) учун берилган 182 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- Паст Дарғом туманидаги «NOZANIN SABINA MEVAZORI» фермер хўжалигининг (СТИР: 304535493) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- Тойлоқ туманидаги «ABDULLAEV ZULFIKOR NEMATOVIICH» фермер хўжалигининг (СТИР: 303950121) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- Паст Дарғом тиббиёт коллежидан 2019 йилда Сатторов Гўзал Бобир қизи номига берилган рўйхат рақами 177, К № 5597341 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАС!»

Миллат эҳтиёжига бахшида умр

Шак-шубҳасиз, Бехбудий нафақат саёҳат қилади, балки шу мамлакатлар халқларининг бой илмий ва ижодий меросини ўрганади. Бу каби саёҳатлар Бехбудий билимининг бойиши ва инсонпарварона фалсафасининг, илгор дунёқарашининг ривожига улкан ҳисса қўшди. Бехбудийнинг теран фикри ва соғлом ақл-заковати уни Туркистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига эришув йўлидаги орзуси ва ғояларини амалга оширишга ундади.

У томондан нашр этилган "Саёҳат хотиралари" "Ойна" журналининг ўзи сингари ўрта Осиё буржуазия вакиллари ва сармоядорларига дунёни Париждан Японияга қадар акс эттирувчи ойна бўлибгина қолмай, балки Туркистон учун мусулмон Шарқини, ислом дунёсини кашф этди, унинг цивилизациясини кўрсата олди, десак муболага бўлмас.

Маҳмудхўжа Бехбудий падири бузруквори номи берилган "нашриёти Бехбудий" хусусий нашриёти эгаси, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент, Андижон шаҳарларидаги китоб дўконларининг хўжайини, "Ойна" журналы муҳаррири сифатида маълум инсон эди. Хусусан, "Бехбудий" кутубхонаси Самарқанднинг руслар истиқомат қиладиган қисмида очилган. Бу шунчаки кутубхона эмас, балки дўкон ҳам бўлган. Бу масканга келувчилар Истанбул, Миср, Байрут, Қозон, Богчасарой, Оренбург, Эрон, Ироқ, Хиндистон, Афғонистон, Петербург ва Туркистонда чоп этилган китобларни кўриб, сотиб олишлари мумкин эди. Замондошининг гувоҳлик беришича, бу Бехбудий вафотидан сўнг Туркистондаги энг йирик кутубхоналардан бўлиб қолди.

ВАТАН ҚАЙҒУСИДА: БЕХБУДИЙ ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Вақт ўтиши билан содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тадқиқ этган Бехбудийнинг сиёсатшунослик ва маданиятшуносликка оид асарлари ҳам тарихий аҳамиятга молик бўла борди. Бу ерда Туркистонда миллий давлат қурилиши муаммолари муҳим ўрин эгаллайди. Туркистоннинг сиёсий аҳволи ва тузилишига Бехбудий қандай муносабатда бўлган?

У ўз халқи тараққиётини нафақат маърифатда, балки илмий сиёсий мақомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишда, деб билади. Қўллаб мақолалари ва сиёсий-иҷтимоий фаолиятида у Россия империяси ва вақтли ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилади, мажҳуд тузум қонунларини танқид остига олади.

Бехбудийнинг имони комилки, "Ҳақ олинур, берилмас!". У мақоласига шундай сарлавҳа қўяди, "Баёни ҳақиқат" мақоласида ҳам юқоридаги сўзларни таъкидлайди. "Тарихдан яхши маълумки, — деб ёзади Бехбудий. — Ҳақ олинур, берил-

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

майдур. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз, мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм, таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ".

Бехбудий кўпчилик жадидлар сингари мустамлакачиликка қарши қонсиз кураш тарафдори бўлиб, ҳар қандай инқилобга қарши эди. У доимо диққат билан дума ишини кузатар, парламент кураши орқали кўп нарсага эришса бўлади, деб ҳисобларди. У мухториятнинг ашаддий тарафдори бўлишига қармай, тараққиётга эришишнинг тадрижий аста-секинлик билан амалга оширувчи усулларини ёқлаб чиққан эди.

"Агарда биз, Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни... иттифоқ этиб, бугундан илоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар... зиёли ва тараққиқпарварларимиз, бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожи учун хизмат этсак..."

Ўзимиздан бора-бора тадрижий суръатда аскарларимиз бўлинсин. Ул миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарзи маишатини ўзимиз тайин қилурмиш. Мана, бизнинг олимизда энг катта ишлар турибду...". дейди у.

Шарқшунос Лазиз Азизода "У ҳар вақт ўз мақолаларида чор ҳукуматини танқид қилар, баъзан очик, баъзан яширин ташвиҳотлар қилар ва айни замонда Бухоро амирлигига ҳам ҳужум қилар эди", деб таъкидлаган.

Мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири, Бехбудийнинг фикрича, ёшлар ва кекса авлод вакиллариининг бирлашуви даркор. Ёш авлод ўзидаги шокшоқлик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларга суяниб иш кўриши ва мустақкам ирода намоен этиши керак.

1917 йил баҳори Туркистон ўлкаси мусулмон аҳли сиёсий жиҳатдан уйғонди, бу масалада бурлиш ҳолати ясалдики, кучаяётган демократик жараёнларга бош-қош бўлиш истагини баён этган янги қучлар сиёсий саҳнага чиқди. Янги туғилаётган миллий шокшоқлик қучларнинг ядроси, яъни маркази сифатида ўз фаолиятида раҳбарлик мавқеига тайёргарлик кўриб келган жадидлар майдонга чиқди.

Маҳаллий халқларнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлида ўз ғояларини ўлкада шонли ва зафарли демократик инқилоб билан боғлаган жадидлар ҳаётга ўзлари эълон қилган принципларни татбиқ қилиш бўйича фаол ҳаракат бошлади. Тобора кенгайиб бораётган демократик жараёнларда маҳаллий аҳолининг сиёсий манфаатларини устувор ҳимоя этиш масаласи 1917 йил февраль



воқеаларидан сўнг жадидларнинг сиёсий саҳнадаги фаолияти асосий йўналишига айланди. Туркистонда бу ғояларнинг бошида Маҳмудхўжа Бехбудий турар эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон парламентида фақат рус тилидагина гапириш катта хато бўлур эди, деб ҳисобларди. Туркий ва рус тиллари тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак, албатта, бу нарса эртани-кечми амалга ошади, деб ишонарди. 1917 йил 9-16 апрель кунлари бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ижроия кўмиталари қурултоида сўзга чиққан Бехбудий Аҳмад Заки Валидий билан ҳамкорликда маҳаллий халқнинг сайланадиган органларга тенг ҳуқуқли асосларда қатнашувини ёқлайди.

Маҳмудхўжа Бехбудий жадидлар орасида катта обрўга эга бўлган. Унинг ишонтира билиш хислати садошларига гумон-шубҳа ва қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам берад эди.

Аҳмад Заки Валидийнинг гувоҳлик беришича, Бехбудий жадидчиликнинг кенг миллий ҳаракатга айланишига ишонган. Бехбудий фаолиятида миллий манфаатлар устувор аҳамиятга эга бўлишига қарамай, унинг ўзи миллий ҳаракат ғояси атрофида барча сиёсий қучларнинг бирлашуви тарафдори эди. У большевикларга ёт кўз билан қараб келган ва уларга нисбатан ёмон муносабатда бўлган. Чунки, Бехбудий ўша пайтда мавжуд бўлган барча фирқаларни жуда яхши билар эди. 1906 йили у ўзининг "Ҳайри ул-умури авсатухо" ("Ҳамма нарсанинг ўрта миёнаси дуруст") мақоласида тўртта фирқага, жумладан, большевиклар фирқасига ҳам баҳо бериб ўтган. У социал-демократик фирқа ва унинг дастурига салбий баҳо бериб, уни утопия деб баҳолаган.

Дилором АЛИМОВА, тарих фанлари доктори, профессор. (Давоми бор)



Муштарий илҳому

Она тилим

Ардоқлайман: жону дилим — она тилим, она тилим, Эъзозлайди ўзбек элим: она тилим, она тилим.

Дил дардини баён этган, муддаони аён этган, Қалбимни ошиён этган, она тилим, она тилим.

Маъно, мантиқ сўзда бўлмай, боққил, олам кўзда бўлмай, Меҳр нури юзда бўлмай, она тилим, она тилим.

Навойини даҳо қилган, шоири бебаҳо қилган, Сўзларин пурмаъно қилган она тилим, она тилим.

Момоларим алла айтган, боболарим ялла айтган, Фарзандлар баралла айтган: она тилим, она тилим.


Тил билсанг дил обод бўлмай, бобо, момо кўнгли тўлмай, Навоий руҳи шод бўлмай, она тилим, она тилим.

Кошгарийдай улуг устоз, ҳар бир сўзни айлаб эъзоз, Қилди луғатда сарафроз: она тилим, она тилим.

Тилим борки, йўлим равон, бағрин очар бутун жаҳон, Шарафлайди ўзбекистон: она тилим, она тилим.

Яратган бахт ато қилар, эл миллатнинг фаҳри билар, Исмаи доим равнақ тилар: она тилим, она тилим.

Исмаи САНАЕВ.



Яхшилик қилиш мажбурият эмас

Таниқли журналист Аҳмадҷон Мухторовни эслаб

Ҳар гал у кишиникига қараб йўлга тушганимда ўз-ўзимча уялардим, чунки жуда ҳам ночор аҳволда, камбағал яшаганимиздан устимдаги кийим-бошининг «суроби» йўқ эди. Сарғич тусли эски костюмим тўтовсиз ювлавверганидан, дазмолланавверганидан сира текис, силлиқ бўлмас, оёғимдаги қора туфли оёқотида ётган эски қалишга ўшарди. Бир борганимда унинг боғичини еча олмай хўб сонсон бўлгандим.

Бу имконсиз, ночор аҳволимни катта ҳаёт тажрибасига эга Аҳмадҷон ака тўғри тушунар, оилавий шароитимгача биларди.

...Бир бозор куни ўйларига борсам, Аҳмадҷон аканинг димоклари чоғ, кайфияти аъло. Роса мириқиб суҳбатлашдик ва шу чоғ ноҳосдан ёнимизга аёллари келиб қолди.

— Э, айтмоқчи, менга қара, онаси, — янгамга юзландилар. — Анови жавонда турган қора костюм-шимни келтир бу ёққа. Менга торлик қилди, дўхтирга бер, бир кийиб кўрсин-чи. Анови қора туфлини ҳам келтир, уям тор, оёғимни қисди. Дўхтирга лойиқ келса керак.

Аъзои-вужудим титраб, бижирлаб кетди, қалбим оппоқ бўлиб ёришиди. Аҳмадҷон аканинг аёллари катта бир оқ туғун келтирдилар-да охиста ёнимга қўйдилар.

— Бу сизга! Акангиз айтган ҳамма нарса шунинг ичиди. Ёнига тўртта янги пайпоқ ҳам қўшдим, чопқиллаб кийиб юрасиз, ҳаммаси янги, қуллққ бўлсин! Яна ҳаяжонга тушдим.

Аҳмадҷон Ғуломовичнинг эрталабдан кайфияти яхшилиги бежиз эмасди. У киши одамларга яхшилик қилиб, қувонч улашишни яхши кўрарди.

Туғунчанинг, эр-хотин келишувига кўра, ўйларига келишимдан олдинроқ тайёрлаб қўйилганлигини сездим.

Ҳа, бировларга яхшилик қилишдан қувонадиган одамлар кўп ҳаётда. Ҳа, яхшилик қилиш улуглар айтганидек мажбурият эмас, бу — қувонч!

Айтгандай, А.Мухторовнинг газета ҳақида айтган, ёзган гапларини ён дафтаримга қайд қилиб қўйганман. Шунинг Сизларга илдиним:

Газета — оқ дастурхон. Ундаги нематларнинг ҳаммаси халқники. Покиза, бегард улар. Шу сабаб ҳам, газетлага оқ кўнгли, оппоқ, покиза қалб билан қўл узатмоқ лозим.

Оппоқ газетлага нопок, нотоза, исқирт нарсаларни ўраш гуноҳдир.



Инсон қалбини англаш ва тушунишдир! Инсоний энг олий чўққи ҳам худди шу ерда: «Мен — сенман, сен — менсан». Хижолатдан эмранганимча кўнглим бузилиб, кўзларим ёшга тўлиб Аҳмадҷон аканинг ўта раҳмдил чеҳрасига қарадим. У киши маънан отамдек бўлиб қолгандилар...

— Хижолат чекманг, бахтли кунларингиз олдинда ҳали. Ёшсиз. Ёшларнинг бахти шундаки, уларнинг қўлида келажак бор! Мен газетанда иш бошлаганимда оёғимдаги мана бу «тапичкам» «таксим» эди...

Кўнглим бузилиб, томоғимга нимадир тикилди. Узимча суяниб, ич-ичимдан йиглардим унсиз. Танамни илоҳий бир қудратли куч далдакор суярди, гўёки ногиронни ҳассаси суягандек. Буни унутиб бўладим? Гап туғунча ичидаги тўғаларда эмас асло. Гап дардларимни тушунадиган, англай оладиган инсонни Тангри ғойибдан яратганида ва уни менга фариштадек дуч этганида эди. Худонинг ана шу тирик фаришталари гирдимда, ёнимда туришарди. Уйимга келгунимча кўз ёшларимни тийа олмадим. Шоклигимнинг чеки, чегараси йўқ эди.

...Ўша Аҳмадҷон Ғуломович Мухторов совға қилган табарруқ қора костюм-шим, туфлини асраб, авайлаб, эҳтиётлаб ҳали-ҳалигача кияман...

Аҳмадҷон аканинг ўйчан чеҳраси, қалам ўрни билини турадиган бармоқлари кўз ўнгимда доим. Ҳа, буларни унутиб бўлмайди?

Муродим УМРЗОҚОВ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

- 1 декабрь**
Холмаҳмад ИСМАТУЛЛАЕВ — 1951 йилда Самарқанд туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, «Дўстлик» ордени соҳиби. Кулол.
- 2 декабрь**
Суннатулла АҲМАДЖОНОВ — 1958 йилда Оқдарё туманида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи.
- 3 декабрь**
Муҳайё АҲМАДОВА — 1993 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Зулфия номидаги Давлат муқофоти соҳиби.
- 10 декабрь**
Маждид ФАЙЗИЕВ — 1931 йил Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Талъат БОБОМУРОДОВ — 1936 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

Оталар сўзининг умри боқий

Сўзда сеҳр, жозиба бор. Унинг сеҳри шу даражадаки, кишини лол қилиши, ҳайратга солиши, гангитиши, ранжитиши, хурсанд ё хафа қилиши, касалликка мубтало этиши ёки аксинча беморни оёққа турғазиб юбориши мумкин. Инсон кишилар билан муносабатга киришар экан, фикрини сўз воситасида ифода қилади. Бундан бошқа воситалар сўздек тугал мазмун касб этмайди.

Сўзнинг сеҳр кучи оталар айтадиган сўзларда мужассам. Ота-боболаримиз жуда катта ҳаёт тажрибасига, кўника ва маҳоратга эга бўлиб, уларнинг нақлу ҳикматлари манбаларда учрайвермайди. Масалан, "Камни берсанг ҳам ғамни берма", "Қадам етди, бало етмасин", "Омонлик, тугаллик бўлсин, серризк-сердавлат бўлсин" каби тиллақлар қафлар дуога очилганда айтилади. Оппоқ соқолли нуроний боболаримиз қаерда бўлмасин, илоҳийликка йўғрилган, қалбга аллақандай сурур, сокинлик,

ҳаловат индирадиган шу каби сўзларни кўп айтишади. Биз дуоталаб фарзандлар ҳам бирор ишга киришишдан ёки бирор жойга боришдан аввал кексаларимиздан дуо сўраймиз. Нега? Негаки, нуроний боболар тилаги ижобат бўлишига ишонамиз. Айни шу тилақларнинг руҳи ва нури сўнмаслигини, улар доимий илоҳийликка қоришгани, шунчаки тил учиди айланадиган сўзлар эмас, балки дил тубидан отилиб чиқадиган улуг қаломлар эканини англаймиз. Ота-боболарнинг шу пайтга қадар

турмуш ва ижтимоий ҳаётда қўллаб келган олтинга тенг ҳикмат, нақл, мақоллари борки, улар маданий қадриятимизнинг бир бўлагига, халқ озаки ижодининг ноёб намуналарига айлиниб улгурган. Азалдан шарқ донишмандлик ўчоғи бўлиб келган, айни шу кутб фалсафаси одамийлик илми борасида мукамалликка эга. Бинобарин, бугунги кунларга қадар донишмандлик рутбасига эга бўлган ота-боболар ўз фарзандларини ҳам мана шу мақомда, руҳда тарбиялаганлар. Ориятлик, мардлик, жасорат бобода ўрнак бўлганлар, андиша, тавозе, ҳалол-ҳаромдан сабоқ берганлар. Бунда сўз бирламчи роль ўйнаган, албатта. Аммо бугун тараққий этиб бораётган жамиятда биз техника қарийётларига сеҳрланиб қолганимиз учун ҳам қалбга руҳ ва нур индирадиган, чин инсонийлик сабоқларини берадиган, асл ҳаёт фалсафаси саналган

ана шу нодир дурдоналардан узоқлашаётгандекмиз. Қадимий ва бебаҳо ҳисобланган ота-боболаримиз сўзларини унутиб қўяётгандекмиз. Халқ ҳикматлари, халқ мақолларини ўқимаймиз. Китобдан тобора узоқлашиб, интернет асирига айландик. Аксарият вақтимиз ҳам виртуал оламда кечаётир. Оқибат-чи?..

Энди дўппини бир жойга қўйиб, фикрлаш фурсати келди. Тафаккур қилайлик, танамизга ўйлаб олайлик. Асрий қадриятларимиз, дурдоналарга тенг маънавий бойликларимиз - ҳикмату фалсафалар кони бўлмиш халқ сўзларига яна қайтайлик. Ўқийлик, ёд олайлик. Ахир, сўз нафаси билан улғайдик, сўз нафаси билан камолга етаётирмиз. Ҳар биримиз ўз сўзимизга эга бўлишимиз учун ҳам мозиёнга назар солайлик. Оталар сўзининг салмоғи оғир. Оталар сўзининг мағзи тўқ. Оталар сўзининг умри боқий.

Умид КҮЧИМОВ,
Ургут туман 98-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Zarafshon АМАРКАНДСКИЙ ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 9 697 нусxada чоп этилди. Бюджетта 728

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БҮЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зараршон" таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.

Навбатчи: У.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X

9 772010 667009